O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI

Қонунчилик ва ҳуқуқ-тартибот учун!

1930 йил 12 майдан чиқа бошлаган

# Посида

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИИВ НАШРИ

№ 57 — 59 (3135—3137) 1998 йил 29 май, жума Баҳоси эркин нархда

## АМЕРИКАДАН МАКТУБ

*АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигига Хиллари Клинтоннинг ИИВ ЖТСБ бошлиғи Қ. Тошмуҳамедов, ДАНББ бошлиғи Х. Зокиров ва халқаро муносабатлар бўлими бошлиғи Ғ. Йўлдошевлар номига юборган хатини топширди. Хатда Америка Президентининг рафиқаси Тошкентга келган вақтида беғараз ёрдам кўрсатганлари учун ИИВ мансабдор шахсларига ўзининг самимий миннатдорчилигини билдирган.*

*Долзарб мавзу*

# МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ КУТМОҚДА

**Республикамиз ички ишлар идораларининг ходимлари жиноятчиликнинг олдини олиш ва унинг ҳар қандай кўринишларига қарши кураш борасида самарали ишларни амалга оширмоқдалар. Кейинги йилларда мамлакатимизда жиноятчиликнинг камайиб бораётгани олиб борилаётган ишларнинг ижобий натижасини белгиламоқда. Бироқ илгари судланганлар томонидан содир этилаётган жиноятларнинг сони камаймаётгани жиддий муаммоларнинг келиб чиқишига сабаб бўлмоқда. Аввало, илгари судланганлар томонидан содир этилаётган жиноятларни таҳлил этадиган бўлсак, аксарият ҳолларда жиноятчилар ана шу йўлга киришга мажбур бўлаётганлари маълум бўлмоқда. Сир эмас, илгари судланганларнинг бир қисми ишламай бекор юрибди. Бекорчиликдан эса турли хил номақбул ишлар келиб чиқиши мумкин. Озодликдан маҳрум этиш жойларидан, дайдиларни қабул қилиш ва тақсимлаш муассасаларидан бўшатилган ҳамда махсус даволаш-профилактик муассасалардан қайтиб келган шахсларни муқим иш билан таъминлаш долзарб муаммоларнинг бирига айланиб бормоқда. Бу масалани ҳал этиш учун Ҳамдўстлик давлатлари орасида биринчи бўлиб Ўзбекистоннинг вилоят, туман ва шаҳар ҳокимликлари қошида ижтимоий кўникма марказлари ташкил этилган. Хўш, ана шу марказларнинг фаолияти қандай, кутилган натижаларни беряптими? Яқинда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида бўлиб ўтган семинар-кенгаш ана шу масалага бағишланди.**

Семинар-кенгашни Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков кириш сўзи билан очди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, милиция генерал-майори Б. Парпиев «Озодликдан маҳрум этиш жойларидан, дайдиларни қабул қилиш ва тақсимлаш муассасаларидан бўшатилган ҳамда махсус даволаш-профилактик муассасаларидан қайтиб келган шахсларни ижтимоий кўниктириш бўйича олиб борилаётган ишларнинг аҳволи тўғрисида» маъруза қилди.

**(Давоми 2-бетда).**

*Маърифат дарси*

## БУЮК МУҲАДДИС

Табаррук заминимизда талайгина буюк кишилар туғилиб, вояга етиб, жаҳон цивилизациясига катта ҳисса қўшганлар. Ўзбекларни, Ўзбекистон диёрини бутун дунёга танитган ва танитаётган улуғ боболаримиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Шулардан бири, ҳадис илмининг султони номини олган Имом ал-Бухорийдир. Ислом оламида муқаддас ҳисобланган Муҳаммад пайғамбар ҳадисларини жамлаб, китоб ҳолида авлодларга тенгсиз бебаҳо мерос қолдирган буюк олим таваллудининг 1225 йиллиги ЮНЕСКО қарори билан бутун дунёда кенг нишонланади. Айни кунларда қутлуғ тўйга катта ҳозирлик кўрилмоқда.

Ички ишлар вазирлигида душанба куни ўтказилган навбатдаги маърифат дарси буюк бобомизнинг юбилейига бағишланди. Халқаро Амир Темур жамғармаси раисининг ўринбосари, филология фанлари номзоди Убайдулла Уватов Имом ал-Бухорийнинг ҳаёти ва фаолияти тўғрисида қизиқарли маъруза қилди. Фахримиз бўлган буюк муҳаддис бобомизнинг ҳадис илмига қўшган катта ҳиссаси, ёзиб қолдирган китобларининг ислом оламида, умуман, дунё жамиятидаги аҳамияти ҳақида тўхталиб, ҳаётидан қизиқарли лавҳалар келтирди.

**Ўз мухбиримиз.**

*Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори*

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПАСПОРТ РЕЖИМИНИ КУЧАЙТИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси паспорт тизими тўғрисидаги низом»ни амалга киритиш ҳақида» 1994 йил 23 декабрдаги Фармони ва шу асосда чиқарилган ҳукумат қарорларининг ижросини текшириш бу борада жойларда ҳокимликлар ва бевосита масъул бўлган мутасадди идоралар фаолиятида жиддий нуқсонларга йўл қўйилаётганлигини кўрсатди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент шаҳри ва вилоятлар ҳокимликларининг масъулиятсизлиги оқибатида, бир қатор шаҳар ва туманларда паспортларни бериш ва алмаштириш ишларини амалга оширувчи комиссиялар деярли фаолият кўрсатмаган.

Сурхондарё, Қашқадарё вилоятларида аҳолига паспорт топшириш кўрсаткичларини кўпайтириб кўрсатиш, Тошкент шаҳри, Бухоро, Жиззах, Навоий, Наманган, Самарқанд ва Сирдарё вилоятларида ички ишлар идораларининг ходимлари томонидан қонунсиз равишда паспорт бериш ҳолатлари ўрин олган.

Жойларда паспорт режимини таъминлаш ҳамда хорижий фуқароларнинг Ўзбекистонга келиши, яшаши ва чиқиб кетиши ҳақидаги қонунларга риоя этилиши етарли даражада ташкил этилмаган.

Солиқ ва молия идоралари паспортлар ва маъмурий жарималардан давлат бюджетига тушадиган маблағлар юзасидан назорат олиб бормаган.

Республикада паспорт ислоҳотини амалга оширишни жадаллаштириш мақсадида, Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси, Тошкент шаҳар ва вилоятлар ҳокимларига аниқланган камчиликларни бартараф этиш, масъулиятсизликка йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан кескин чоралар кўриш, паспортларни бериш ва алмаштириш ишларини амалга оширувчи комиссияларнинг фаолиятини жадаллаштириш мақсадида паспорт тизимларининг моддий-техник таъминот даражасини яхшилаш чораларини кўриш топширилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги (З. Алматов) икки ҳафта муддатда республика ҳудудида паспорт режимини такомиллаштириш бўйича қўшимча тадбирлар ишлаб чиқсин, мансабини суиистеъмол қилган ходимларнинг жавобгарлигини ҳал этиб, паспорт тизими ходимлари орасида интизом ва қонунчиликка риоя қилишни мустаҳкамлаш юзасидан чоралар белгиласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Прокуратурасига (Б. Мустафоев) паспорт ислоҳотини амалга ошириш устидан назоратни янада кучайтириш, бу соҳада қонунбузарликка йўл қўйган мансабдор шахсларга нисбатан жиноий жавобгарликкача бўлган қатъий чоралар кўриш топширилсин.

4. Республика Давлат солиқ қўмитаси (В. Беганов) ва Молия вазирлиги (Ж. Сайфиддинов) паспортлардан тушадиган тўловлар ҳамда маъмурий жарималарнинг тўла миқдорда ва ўз вақтида давлат бюджетига тушиши юзасидан назорат ўрнатсинлар.

5. Мазкур қарорнинг ижроси устидан назорат Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў. Султонов зиммасига юклансин.

**Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.**

Тошкент шаҳри,
1998 йил 27 май.

*Ҳосил—98*

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАНДИ

27 май куни Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигида «Ўзқишлоқхўжаликтехникатаъмир» ва «Ўздонмаҳсулот» давлат корпорациялари, Ички ишлар вазирлиги, шунингдек, бошқа тааллуқли вазирликлар ҳамда идоралар раҳбарлари иштирокида кенгайтирилган қўшма кенгаш бўлиб ўтди.

Кенгашда 1998 йилги ғалла ўрим-йиғими мавсумини ташкил этиш, техникани шайлаш, мавсум давомида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш ва талон-торожликларнинг олдини олиш масалалари кўриб чиқилди. Ўтган мавсумда йўл қўйилган камчиликлар атрофлича муҳокама қилиниб, уларнинг олдини олиш чора-тадбирлари белгиланди.

Тадбир чоғида барча тааллуқли вазирликлар ва идоралар зиммасига ғалла ҳосилини нест-нобудсиз йиғиштириб олиш бўйича тегишли вазифалар юкланди.

Мазкур кенгашда Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЖТСБ бошлиғи, милиция полковниги Қ. Тошмуҳамедов, ДАНББ бошлиғи, милиция полковниги Х. Зокиров ва ИИБ бошқарма ва бўлимларининг бир гуруҳ масъул ходимлари иштирок этдилар.

Кенгаш якунида 29 майдан 3 июнгача барча тааллуқли вазирлик ва идораларнинг масъул ходимларидан тузилган комиссия томонидан жойларда ғалла ўрим-йиғимига тайёргарликнинг аҳволи ўрганиб чиқилиб, натижалари жорий йилнинг 6 июнида Вазирлар Маҳкамасида ўтказиладиган селектор кенгашида муҳокама этилиши белгиланди.

**И. МАМАДАЛИЕВ, милиция подполковниги.**

1 июнь — Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни



*Суратда: Хива шаҳар ва туман ИИБ вояга етмаганлар билан ишлаш нозирияти катта нозири милиция майори Шарофат Ҳусаинова 20-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчиси Малоҳатхон билан.*

**Жумабой ҚОЗОҚ олган сурат.**

# МУАММОЛАР ЕЧИМИНИ КУТМОКДА

**(Давоми. Боши 1- бетда).**

Жиноятчиликка қарши курашда илгари судланганлар томонидан такрорий жиноятларнинг олдини олиш муҳим аҳамиятга эга. Шу боис ҳам кейинги уч-тўрт йил давомида вазирлик томонидан бу масалага жиддий эътибор берилмоқда. Жумладан, Ички ишлар вазирлиги ташаббуси билан 1992 йилда «Озодликдан маҳрум этиш жойларидан бўшатилган шахслар устидан ички ишлар идораларининг маъмурий назорати тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди. Шунингдек, вазирлик томонидан «Жазони ижро этиш жойларидан озод этилаётган шахсларни ишга жойлаштириш ва маиший шароитини таъминлашга кўмаклашиш ҳамда улар тўғрисида ахборот алмашиш тартиби ҳақида» йўриқнома ва 1997 — 1998 йилларда илгари судланганлар томонидан содир этилаётган такрорий жиноятларнинг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар Дастури» ишлаб чиқилиб, амалиётга татбиқ этилди. Ички ишлар идоралари томонидан жазони ижро этиш жойларидан бўшатилган шахслар билан ишлаш, уларни ишга жойлаштириш борасида бир қатор амалий ишлар олиб борилаяпти ва бу ўз натижасини бермоқда. Аммо кўрилаётган чора-тадбирларга қарамасдан илгари судланганлар томонидан қайта жиноятга қўл уриш ҳоллари камаймаяпти. Бу ўз навбатида жамиятимиздаги энг долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда. Маълумотлар республикада қайд этилган ҳар бешта жиноятнинг бири мазкур тоифадаги шахслар томонидан содир этилаётганини кўрсатмоқда. Аксарият ҳолларда улар томонидан ўта хавфли жиноятлар содир этилмоқда. Шунингдек, қотиллик, босқинчилик, талончилик, ўғрилик жиноятларининг маълум қисмида уларнинг «ҳиссаси» бор. Такрорий жиноятчиликнинг олдини олишдаги асосий муаммолардан бири жазони ўтаб қайтган шахсларни ижтимоий жиҳатдан кўниктириш, уларни ўз вақтида ишга жойлаштириш, моддий ва маиший томондан керакли ёрдам бериш ишларининг қониқарсиз аҳволда эканлиги бўлиб қолмоқда. Ўтган йил давомида озодликка чиққан шахсларнинг бир қисми ўз вақтида турар жой рўйхатидан ўтмаганлар ва фойдали ишга жалб этилмаган. Бундай шароитда илгари судланган шахслар руҳан ва маънавий қийналиб, боши берк кўчага кириб қоладилар ва яна қайта жиноят қилишга мажбур бўладилар. Ўтган 1997 йилда ички ишлар идоралари томонидан иш билан таъминланишга муҳтож, ҳуқуқбузарликка мойил бўлган, меҳнат биржаларига юборилган шахсларнинг атиги 30 фоизи ишга жойлаштирилган холос.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ташаббуси билан Вазирлар Маҳкамаси 1993 ва 1996 йилларда вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари қошида жазони ижро этиш жойларидан бўшатилганлар ва шахсларда ижтимоий кўникма ҳосил қилиш марказлари ташкил этиш тўғрисида Фармойиш қабул қилди. Иқтисодий мураккаб вазиятга қарамасдан, республикамиз ҳукумати ҳар йили бу марказлар томонидан илгари судланганларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш мақсадида катта маблағлар ажратмоқда. Бироқ, жойларда бундай марказлар тузиш пайсалга солинмоқда, айрим туманлардаги марказлар эса номига ишлаяпти.

Яна бир жиддий муаммо — спиртли ичимликларга ружу қўйган шахсларни мажбурий даволашга юборишдир. Қайд этилаётган жиноятларнинг бир қисми ана шу ичкиликбозлар томонидан содир этилаётганини айтиб ўтиш лозим. Бироқ, бу касалликка мубтало бўлганларни даволаш муассасалари ташкил этиш бир қатор вилоятларда ҳанузгача ҳал этилмаган. Борлари ҳам қониқарсиз аҳволда ишлаяпти.

Маърузачи пировардида яна бир қатор амалга оширилиши ва ҳал этилиши зарур бўлган муаммо ва масалаларни кўрсатиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги бюджет бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Т. Ким «Ижтимоий кўникма марказларига маблағ ажратиш тартиби тўғрисида» маъруза қилди. Тошкент шаҳар ҳокимининг биринчи ўринбосари А. Миржалилов «Тошкент шаҳри туманларидаги ижтимоий кўникма марказларининг илғор иш тажрибаси тўғрисида» сўз юритди. Шунингдек, семинар-кенгашда Навоий, Самарқанд, Хоразм ва Жиззах вилоятлар ҳокимларининг биринчи ўринбосарлари вилоятларда ижтимоий кўникма марказларининг фаолияти ҳақида ахборот бердилар.

И. Жўрабеков семинар-кенгашда якунловчи сўзга чиқиб, келгусидаги вазифалар хусусида батафсил тўхталди.

Семинар-кенгаш иштирокчилари Тошкент шаҳар Сирғали туманидаги ижтимоий кўникма марказида бўлиб, у ерда амалга оширилаётган ишлар билан танишдилар ва тажрибаларни ўргандилар.

**Д. ЖЎРАБОЕВ,**
**ИИВ ЖООБ бўлим бошлиғи, милиция подполковниги.**

# ЕТУК КАДРЛАР ТАЙЁРЛАШ ЙЎЛИДА

Кейинги йилларда республикамизда мутахассис кадрларни тайёрлашга катта эътибор берилмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимиз халқ хўжалиги учун зарур бўлган мутахассислар тайёрлайдиган бир қатор олий ва ўрта махсус билим юртлари ташкил этилди. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг Ёнғиндан сақлаш олий техник мактаби шулар жумласидандир. Беш йил муқаддам ташкил этилган бу олий билим юрти ўтган қисқа вақт ичида етук мутахассислар тайёрлайдиган масканга айланди. Ўтган ҳафтада бу ерда ёнғиндан сақлаш олий техник мактаби ташкил этилганининг беш йиллиги ва республикада ёнғин хавфсизлиги муҳандис кадрлар тайёрлаш бошланганлигининг 20 йиллигига бағишлаб «Кадрлар тайёрлаш ва ёнғиндан сақлаш хизмати фаолиятини такомиллаштиришнинг долзарб муаммолари» мавзуида халқаро илмий-амалий анжуман ўтказилди. Қозиғистон, Қирғизистон республикалари ва Россия Федерациясидан вакиллар қатнашган, зарур муаммоларни ҳал этиш масаласига бағишланган бу нуфузли анжуманни Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг ўринбосари, ички хизмат полковниги Ш. Мавлянов кириш сўзи билан очди ва қутлуғ кун билан мактаб жамоаси, профессор-ўқутувчилар ҳамда тингловчиларни ИИВ раҳбарияти номидан самимий табриклади.

Шундан сўнг мактаб бошлиғи, полковник М. Собиров «Ўзбекистон Республикаси ИИВ Ёнғиндан сақлаш олий техник мактабида кадрларни тайёрлаш ва ҳуқуқий тарбиялаш муаммолари» мавзуида маъруза қилди. Маърузачи мактабни ташкил этилиш тарихига қисқача тўхталиб, ўтган давр мобайнида мутахассис кадрларни тайёрлаш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида, ўқув жараёнлари, амалий машғулотларни ҳар томонлама такомиллаштириш йўлида олиб борилаётган ишлар ҳақида батафсил тўхталди. Шунингдек, кенг қамровли ўқув дастурини олиб бориш, кадрлар тайёрлаш сифатини янада ошириш йўлида ҳал этилиши зарур бўлган бир қатор муаммолар ҳақида сўзлади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус ўқув юртлари вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари И. Мажидов республикада олий маълумотга эга бўлган кадрларни тайёрлаш ишлари, бу борада олий техник мактаб жамоаси эришаётган ютуқлар, таълим тизимида замонавий усулларни қўллаш масалаларига тўхталди. ИИВ ЁСБ бошлиғи, ички хизмат полковниги Ю. Қосимов ёнғинларнинг олдини олиш йўналишидаги ташкилий ва илмий-техник муаммолар хусусида сўзга чиқди.

Қозоғистон Республикаси ИИВ Алмати олий техник институти кафедраси бошлиғи, ички хизмат полковниги Д. Донаев, Россия Федерацияси ИИВ Санкт-Петербург Ёнғин хавфсизлиги институти ўқув бўлимининг бошлиғи, ички хизмат полковниги С. Юн, Қирғизистон Республикаси ИИВ ЁХБ бошлиғи ўринбосари, ички хизмат полковниги О. Жонталиев ва бошқа меҳмонлар сўзга чиқиб, мактаб жамоасини қутлуғ кун билан самимий табриклаб олий билим юртининг ўтган давр мобайнида эришган ютуқлари, унинг Марказий Осиё республикаларидаги ўрнига катта баҳо бердилар.

Тантанали йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг масъул ходими Б. Қосимов иштирок этди ва сўзга чиқди.

Йиғилишдан сўнг анжуман иштирокчилари ва меҳмонлар мактаб тингловчиларига яратилган шарт-шароитлар ҳамда ўқув хоналари билан танишдилар. Уларда, айниқса, замонавий асбоб-анжомлар, сигнализация, компьютерлар билан жиҳозланган кафедралар катта қизиқиш уйғотди.

— Бизнинг ёнғин хавфсизлиги институтимиз ташкил топганига тўқсон йилдан ошган, — деди Санкт-петербурглик меҳмон С. Юн. — Ҳамон бир йўналишдаги кадрлар тайёрланади. Беш йил давомида амалга оширилган ишларни кўриб, республикада мутахассис кадрларни тайёрлашга нақадар катта эътибор берилаётганини ҳис этиш мумкин. Менга, айниқса ўқув хоналарининг замонавий услубда жиҳозланиши ёқди. Бу ердан кўп нарсаларни ўрганса арзийди.

— Мен ўзим шу мактабда таълим олганман. У пайтда кичик бир факультет эди, — деди Алмати олий техника институтининг кафедра бошлиғи Д. Донаев, — Мактабни ҳавас билан айландим. Ҳар томонлама етук мутахассис тайёрлаш учун камида ана шундай шароитга эга бўлиш керак. Бу ютуқларнинг ҳаммаси, аввало, республика ҳукуматининг, вазирлик раҳбариятининг эътибори, мактаб жамоасининг ҳаракати натижаси деб ўйлайман. Ўзбекистонликлар бу билим даргоҳи билан фахрланишса арзийди, чунки Ҳамдўстлик мамлакатларида биринчи бўлиб кўп тармоқли усулда ёнғиндан сақлаш ва унга қарши курашиш мутахассислари тайёрланаяпти.

— Тошкент, умуман, Ўзбекистон Марказий Осиёнинг билим ўчоғи бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай, — деди қирғизистонлик меҳмон С. Жонталиев, — Буни биргина мана шу олий мактаб мисолида кўриш мумкин. Бу ердаги таълим услуби ва тайёрланаётган кадрлар сифати Россиядаги турдош билим юртлари билан бемалол беллаша олади. Айрим жиҳатларда улардан устун ҳам. Бизнинг республикамиздаги ёнғиндан сақлаш мутахассисларининг кўпчилиги шу ерда ўқишган.

Анжуман дастурига кўра «Мутахассисларни тайёрлашнинг шакл ва услубларини такомиллаштириш», «Ёнғинлардан огоҳлантиришнинг ташкилий ва илмий-техник муаммолари» ҳамда «Ёнғиндан сақлашнинг оператив-тактик фаолияти самарадорлигини ошириш йўллари» секцияларида назарий машғулотлар олиб борилди.

**Б. МУСЛИМОВ,**
**ИИВ ЁСОТМ илмий котиби, ички хизмат капитани.**

# ЮРТИМ, АЛПОМИШДЕК ЎҒЛОНЛАРИНГ БОР!

Она Ватан сўзида бору бўстонлар, бепоён далалар, мовий осмон, сахий ер, яшаб турган ўлка, оила мужассамдир.

Ватан туйғуси Ватанни севиш, у билан фахрланиш, Она-Ватан бахтисаодати, тинчлиги йўлида, унинг манфаатлари учун курашишдир. Ўтмишда боболаримиз, азиз оталаримиз ҳам ўз она Ватанларини жонудилдан севганлар, унинг иқболи, истиқболи, озодлиги учун курашганлар. Ватан равнақи учун курашмаган кишилардан ватанпарвар чиқмайди.

Оналар алла айтганда фарзандим элга, она юртга садоқатли бўлсин, — деб ният қиларкан.

**Алла болам алла-ё,**
**Жоним болам**
**алла-ё.**
**Катта бўлиб мард**
**бўлгин,**
**Юртингга посбон**
**бўлгин.**
**Душман қадам**
**босмасин,**
**Аҳдингда маҳкам**
**тургин.**
**Алла болам, алла-ё,**
**Мард ўғлоним**
**алла-ё.**

Шундай экан, ватан ҳимояси учун жон фидо қилишга тайёр турмаган йигит йигитми?

Ёшлигимизда армияга бормаган йигитлардан совчи келса, унга ҳеч ким қизини бермас эди. Чунки тан-жони соғ бўлмаган, бирор жойи касал, ногирон йигитларгина армияга олинмас, йигитни армияга олмаслик унинг учун ор эди.

Ҳозир эса айрим ота-оналар фарзандини ҳатто мажбурлаб ҳарбий хизматдан олиб қолишга уринади. Эй, инсон қаёққа қараяпсан? Нега энди соппа-соғ болангни «яроқсиз» деган тамға билан жазолайсан? Эртага у ўз ўғлига нима дейди? Чиниқмаган, она соғинчи, юрт соғинчини ҳис қилмаган йигит йигитми? — дегим келади.

Худога шукр иккита ўғлим бор. Катта ўғлимга хизмат қоғози келса суюниб: «Вой, худога шукр келдийларми» — дебман.

Ўғлим Бухоро шаҳрида ҳарбий хизматда бўлди. Бориб ҳарбий қисмдаги йигитлар, асл ўзбек аскар йигитларни кўриб севинганимдан ҳаммасини: «Ҳа, бўйларингдан опанг ўргилсин» — деб қучоқлаб ўпгим келди.

У ердаги шароитни кўриб Президентимизга ташаккурномалар ёздим. Болам бир йил ҳарбий тиббиёт ходими бўлиб хизмат қилгач, Тошкент Олий ҳарбий билим юртига имтиёзли йўлланма билан келиб ўқишга кирди. Кичкина ўғлим ҳам бугун-эрта хизматга кетишга тайёрланиб турибди.

Менга худойим ўғил берибди. Тўрт мучаси соғ, ақли-ҳуши жойида бўлиб, хизматга яроқли экан — худога минг бора шукр. Қаерда бўлса ҳам худонинг ўзи асрасин.

Келинглар, Ота Ватанимиз, шу она тупроғимизни, чегарамизни, асл йигитларимиз, Алпомишдек ўғлонларимиз қўриқласинлар, унинг бойлигига бойлик, шуҳратига шуҳрат қўшиб, мустақил Ўзбекистон аскарлари бўлишдек бахтга сазовор бўлсинлар.

Зеро Ватанга муҳаббат туйғуси бўлмаган инсонни чин ватанпарвар дейиш мумкин эмас.

Фарзандларимиз мустақил диёримизни кўз қорачиғларидек асрайдиган мард, асл эркаклар, паҳлавон Алпомишдек йигитлар бўлсин.

Ватан чақириғига «Лаббай» деб кўкракларини кериб чиқсинлар.

Ғафур Ғулом бежиз

**Аъло мамлакатнинг**
**аъло фарзанди**
**Билиб қўйки, сени**
**Ватан кутади** —
деб айтмагандир.

**Мукаррамхон ФОЗИЛОВА,**
**маданият ишлари аълочиси.**

*Акс садо*

# ЭР ЙИГИТГА ТЎҒРИ КЕЛМАС

Газетадаги Озод Ражабовнинг «Сиз бунга нима дейсиз?» сарлавҳали мақоласини ўқиб, ўйга толдим. Бу долзарб мавзу ўз вақтида газета саҳифаларида чоп этилган. Ҳақиқатан ҳам баъзи ота-оналар фарзандларини турли йўллар билан ҳарбий хизматдан олиб қолишга ҳаракат қиладилар. Йигит кишининг ҳарбий хизматда бўлиши, она-Ватанимизни қўриқлаши ота-она учун катта бахт эмасми? Армияда хизмат қилган йигитлар жисмонан бақувват, теран фикрловчи, ақл билан иш юритувчи бўлиб етишади.

Фарзанднинг қалбида Ватанга муҳаббатни аввало ота-она, кейинчалик таълим-тарбия масканлари уйғотади. Шундай экан, ота-она «боламни армиядан олиб қоламан» дейиши уят. Мақолада таъкидланганидек, оилада, мактабларда, жисмоний тарбия ва ҳарбий ватанпарварлик дарслари ўтказилиб, мукаммалроқ сабоқ берилиб, аскар йигитлар таклиф қилиниб учрашувлар ўтказилса нур устига аъло нур бўларди.

Азиз онажонлар, бувижонлар. Бир пайтлар акаларимиз, оға-иниларимиз ҳарбий хизматга кетаётганларида нонлар ёпиб, бўлажак аскар йигитларимизга бир тишлам тишлатиб, уйнинг тўрига осиб қўярдингиз. «Болам сенинг ризқу насибанг оиламиздан узилмасин» деб, «Ой бориб, омон қайт» деб фотиҳа берардингиз. Армияга бормаган йигитни куёв қилмасдингиз. Энди нега ўғилларимизни папалаб, «уй қизи»га айлантиряпсиз?

Ота-оналар! Ўғлонларимизни шундай тарбиялайликки, ақлан ва жисмонан бақувват, кўркам йигитлар бўлиб, армия сафида ўзларининг йигитлик бурчларини бажариб, мустақил Ўзбекистонимизнинг осойишталиги, гуллаб яшнаши-ю, равнақи учун хизмат қилсинлар!

**И. СОАТОВА,**
**журналист.**

*Пойдевор мустаҳкамми?*

# МЎЪЖИЗАВИЙ МЎЪЖАЗ ТОШ

Ўн уч ёшида дадасидан айрилган Зоҳиджон одамови бўлиб қолди. Ўгай отаси жуда баджаҳл эди. У ичиб олиб Зоҳиджонга иш буюраверар, агар уддалай олмаса «шўртумшуқ», «шумтака» дея койирди. Баъзан эса уйнинг бурчагига турғазиб қўйиб қўлига бирор буюмни берарди-да, узоқ вақт кўтариб туришга мажбур қиларди. Бола бечоранинг қўллари толиб кетса ҳам рухсат тегмагунча азоб чекиб, кўзларидан ёш оқиб тураверарди. Отасининг айтишича, ношуд фарзанднинг жазоси шу эмиш.

Бирдан ўртага онаси тушган эди, телевизор созлаётган отаси унга қарата қизиб турган кавшарлагични отди. Шўрлик аёл инграганча ташқарига йўналди...

— Кавшарлагич ишдан чиқди... — тўнғиллади ота ва бурчакда ҳамон кўзларини жовдиратиб тик турган Зоҳиджонга ўшқирди: — Тез бориб Тўлаган акангдан кавшарлагич олиб кел!

Қўшниникига чиқиб кетган Зоҳиджон кўп вақт ўтмай остонада пайдо бўлди.

— Тўлаган ака ҳали ишдан келмабдилар.

— Келинойингга айт, олиб берсин! — буюрди ота.

Бола итоаткорлик билан ортига қайтди. Орадан бир пиёла чой ичилгунча вақт ўтмай яна қайтиб келди.

— Келинойим қидириб топа олмадилар, — деди у гуноҳкорона бош эгиб.

— Ҳе,... ношуд, шўртумшуқ! — тутоқди ота. — Агар кавшарлагич топиб келмасанг кунингни кўрсатаман!

Зоҳиджон кўчага чиқди. У қўрққанидан «дағ-дағ» титрарди. Агар кавшарлагични олиб бормаса отасидан балога қолиши тайин. Энди нима қилади, уйига қандай қайтиб боради? Зоҳиджон шундай ўй-хаёллар билан боши оққан томонга кета бошлади...

Ҳозирда Зоҳиджонга ўхшаш оиласидан безган болалар учраб туриши ачинарлидир. Ота-онанинг фарзандига нисбатан ҳаддан ташқари қаттиққўллиги, бола ўзига юклатилган топшириқларни ҳар доим бажаришга қодир бўлмаса-да, улар томонидан зўрлик ишлатилиши ва камситилиши туфайли баъзи ўсмирлар уйларидан бош олиб кетишга мажбур бўлмоқдалар. Шу йилнинг тўрт ойи мобайнида республикамизда бир неча юздан ортиқ нотинч оилалар рўйхатга олинган. Вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг 80 фоизини ана шундай хонадонларда яшаётган, яъни бирор жойда ишламайдиган, ичкиликка ружу қўйган, қонун талаблари ҳамда тартиб-интизомга риоя этмайдиган, қўшнилар билан алоқа қилмайдиган, маҳаллалардаги тадбирларда иштирок этмайдиган кишиларнинг фарзандлари содир этмоқда.

Ота-оналар томонидан назорат бўшаштириб юборилиши оқибатида ҳар йили вояга етмаганларни қабул қилиш—тақсимлаш муассасаларига оиласидан мунтазам қочиб кетаётган ва дайдилик қилиб юрган юзлаб болалар келтирилаяпти. Улар орасида етимлар ҳам бор. Милиция ходимлари тегишли идоралар кўмагида бу болаларни ишга, ўқишга, болалар уйларига жойлашмоқда.

Тошкентдаги вояга етмаганларни қабул қилиш-тақсимлаш муассасасига аксарият ҳолларда Самарқанд, Қашқадарё вилоятлари, Фарғона водийси ва Қорақалпоғистондан ташриф буюраётган «саёҳатчилар» келиб тушишаяпти. Уларни яшаш жойларига қайтариб юбориш катта харажат талаб этади. Сарф-харажатлар учун келадиган маблағ-ку давлатимиз томонидан тўланаяпти. Аммо маънавий зарар, аввало, хонадонларда болаларга етказилаётган қалб жароҳатини қандай қоплаш мумкин?

Уйидан кетиб қолаётган ёки дарсга кирмай бўлмағур ишлар билан машғул бўлаётган ўсмирлар билан милициядан ташқари маҳалла, мактаб, шунингдек, жамоат ташкилотлари шуғулланаяптими? Очиқ тан олиш керак, бу борада ҳамон бепарволик, лоқайдлик мавжуд. Масалан, мактаблардаги ота-оналар қўмитасига шу тоифадаги ўсмирнинг ота-онаси таклиф қилиниб, боланинг одоби муҳокама қилинмайди. Ота-оналар мажлисига одатда дарсларни бўш ўзлаштирувчи ва хулқи қониқарсиз бўлган ўқувчиларнинг ота-оналари камдан-кам ҳолларда келишади. Натижада назоратсизликдан фойдаланган ўсмир ўқишга совуққонлик билан қарайдиган, дарсдан ўзбошимчалик билан кетиб қоладиган, турли хил ҳуқуқбузарликлар содир этадиган бўлиб қолади.

Навоий вилояти Зарафшон шаҳрида яшовчи, балоғатга етмаган Нозим уч шериги билан бир фуқаронинг хонадонидан 140 минг сўм пул ва уй-рўзғор буюмларини ўғирлайди.

Юнусободлик ўспирин Г. С. уйи олдида бир йўловчини пичоқ билан қўрқитиб, 100 АҚШ долларини олиб қўяди. У ҳеч қаерда ўқимайди ва ишламайди.

Марғилон шаҳридаги 1-мактабнинг 9-синф ўқувчиси У. Нодира амакисининг қизи билан айтишиб қолади. Кутилмаганда ваҳшийлашиб кетиб, унинг бошига темир курак билан уради. Шу воқеадан кўп вақт ўтмай милиция ходимлари жасадни томга яшириб қўйилган жойдан топадилар.

Афсуски, шу каби мисолларни яна келтириш мумкин. Юқоридаги воқеалар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, улар узоқ вақт давомида оила, мактаб, маҳалла ва меҳнат жамоалари таъсир доирасидан чиқиб кетган, носоғлом муҳитда вояга етаётган ўсмирлар томонидан содир этилаяпти. Шу боис болаларга тарбия беришда оила ва жамоатчиликнинг ролини оширишга алоҳида эътибор қаратиш катта аҳамият касб этади.

— Ушбу Оила йилида мамлакатимизда нотинч оилалар бўлмаслиги учун бор имкониятлар ишга солинаяпти, — деди Ўзбекистон Республикаси ИИВ Жиноятчиликнинг олдини олиш бошқармаси ВЕИН бўлими бошлиғи, милиция подполковниги Фарруҳжон Сафоев, — Бундай хонадонларда камол топаётган болаларнинг ҳуқуқни ҳимоя қилиш диққат марказимизда. Шу йил тўрт ой давомида ўз фарзанди тарбияси билан шуғулланмай қўйган 29 киши оталик ва оналик ҳуқуқидан маҳрум қилинди. Нобоп оилалардаги аҳволни муҳокама қилиш учун маҳалла қўмиталари, иш жойларига тақдимномалар, ҳокимликлар ҳузуридаги балоғатга етмаган ёшлар билан ишлаш комиссияларига эса тегишли материаллар юбораяпмиз. Аммо афсуски, оталик ёки оналик бурчини бажармаётган, ғайриижтимоий хулқи билан фарзандлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатиб, уларнинг ҳуқуқбузарликлар содир этишларига сабабчи бўлаётган ота-оналарга нисбатан амалдаги Жиноят, Жиноят-процессуал ва Фуқаролик кодексларида кўзда тутилган чоралар кам қўлланилмоқда.

Шуни ҳам айтиш лозимки, Вазирлик томонидан ички ишлар идораларининг вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва уларни «жиноят олами» таъсиридан ҳимоя қилиш юзасидан 1997—2000 йилларга мўлжалланган махсус дастур қабул қилингани айни муддао бўлди. Ушбу ҳужжат вояга етмаганларни маънавий жиҳатдан етук қилиб камол топтиришда барча хизматчилар зиммасига катта масъулият юклайди.

Ўрни келганда бир таклифни ўртага ташламоқчиман. Республикамиз миқёсида ўсмир ва ёшларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя қилиш, уларни иш билан таъминлаш, чет элда ўқиб, етук мутахассис бўлиб етишишларига шароит яратиш, ёш оилаларга кўмаклашиш, шунингдек, ёшлар ҳаёти билан боғлиқ бошқа вазифалар ҳамда муаммоларни ҳал этувчи вояга етмаганлар ва ёшлар давлат қўмитаси ташкил этилса мақсадга мувофиқ бўларди.

Оиладаги носоғлом муҳитда вояга етаётган болаларга ғамхўрлик ҳаводек зарур. Маҳалла қўмиталари, жамоат ташкилотлари, посбонларимиз ҳар бир нотинч оилани назоратга олиб, ушбу масканларда ижобий ўзгаришлар бўлишига эришсалар болалар Зоҳиджонга ўхшаб уйларидан кетиб қолишмасди.

Бола қалби беғубор. Ҳатто қўшиқда куйлангандек, сумалакдан чиққан кичик тош ҳам мўъжиза кўрсатиши, уни оғир аҳволдан қутқаришига ишонади. Мўъжиза эса инсон қўллари билан яратилади. Турмушда қийналган болаларга ёрдам бериш, бошини силаш учун мана шундай мўъжизакор, меҳрибон қўллар керак...

**Саъдулла ШОДИЕВ,**



**СУРАТДА: Мирзо Улуғбек тумани ИИБ ВЕИН нозири, милиция катта лейтенанти Гулойим Қуролбоева пойтахтдаги болалар боғчаларидан бирида.**

**Аҳмаджон САПАРМАТОВ олган сурат.**

## БОЛАЛАРНИ НАЗОРАТСИЗ ҚОЛДИРМАНГ!

Мактаб ўқувчиларининг ёзги таътил кунлари ҳам бошланиб қолди. Бу пайтда аксарият болалар оромгоҳларга ошиқишади. Тўғри, у ерда кичкинтойларнинг ўйнаб-кулишлари, кўнгилли дам олишлари учун етарли шароит яратилган. Лекин шу қулайликлар билан бир қаторда ўқувчиларга йўл ҳаракати қоидаларини ҳам ўйин тарзида ўргатиб борилса, фойдадан холи бўлмайди.

Сир эмаски, болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари ҳали ҳам учраб турибди. Биргина ДАН ходимларининг тинимсиз саъй-ҳаракатлари билан бундай автоҳалокатларнинг бир мунча камайишига эришилди. ДАН ходимларимиз томонидан мактаб ва турли болалар муассасаларида олиб борилган учрашувлар, тушунтириш ишлари ўз самарасини берди. Фикримизнинг исботи учун қуйидаги мисолларни келтириш мумкин.

1997 йилнинг дастлабки 4 ойи мобайнида болалар билан боғлиқ 687 та йўл ҳодисаси содир этилган. Шундан 114 нафари ҳаётдан кўз юмган, 573 нафари турли даражадаги тан жароҳати олган. 1998 йилда эса ДАН ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида болалар иштирокидаги автоҳалокатлар сони ўтган йилга нисбатан 75 тага, вафот этганлар сони 37 тага ва жароҳатланганлар сони эса 28 тага камайган. Шунингдек, 7 ёшгача бўлган болалар иштирокида ҳам 30 тага озайган.

Маълумотлардан кўриниб турибдики, 1998 йилда болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисалари (4 ойлиги назарда тутиляпти) 1997 йилга нисбатан анча камайишига эришилган. Лекин бу муваффақиятлар билан қувониб, бамайлихотир юришга ҳаққимиз йўқ.

Бу рақамлар болалар иштирокида содир этилаётган йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш шу куннинг энг долзарб вазифаси эканини кўрсатиб турибди. Айни пайтда ота-оналар ҳам фарзандларини назоратсиз қолдирмай, жиддий шуғулланишларига тўғри келади. Шунингдек, барча болалар муассасалари, хусусан, оромгоҳларда ҳам болаларнинг йўлларда ҳаракатланиш қоидалари бўйича олган билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш лозим.

Мана шундай тадбирларнинг ўз вақтида намунали амалга оширилиши, болаларимизнинг ёзги таътилни кўнгилдагидек ўтказишлари ҳамда улар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари сонини янада озайишига кафолат бўлади.

**Турсунбой МАҲМУДОВ.**

## УЛАРНИНГ ЯҚИНЛАРИ БОРМИ?

Тошкент вилояти ИИБ Янгийўл шаҳар вояга етмаганларни қабул қилиш-тақсимлаш муассасасида вояга етмаган бола ушлаб турилибди.



Ўтказилган суҳбат чоғида у ўзини Аҳмедов Сардор деб таништирди. Ўзбек миллатига мансуб, 1990 йилда туғилган.

Отаси — Аҳмедов Усмон. Онаси — Аҳмедова Севара.

**Белгилари:** бўйи 100—120 см., сочи қора, қошлари қора қалин, озғиндан келган, юзи узун, кўзлари қора, киприклари узун.

**Кийимлари:** эгнига қора шим, кўк шортик, гулли куртка, оқ гулли майка, оқ гулли футболка, оёғига оқ пайпоқ, қора кроссовка кийган.

* * *



Шунингдек, ўзбек миллатига мансуб, 3—4 ёшлардаги, ота-онаси ва яшаш жойи ҳақида ҳеч қандай маълумот беролмайдиган Муҳриддин Холиқов ушлаб турилибди.

**Белгилари:** бўйи — 50—60 см. сочи сарғиш, юзи тўладан келган, кўзлари қисиқ, қошлари сийрак.

**Кийимлари:** бошига кўк шапка, эгнига яшил жемпер, свитер, кўк-қизил оқ кўйлак, кўк трико, колготка, сариқ шортик. Оёғига қизил пайпоқ, шиппак кийган.

**Болаларнинг ота-онаси ёки якинларидан Янгийўл шаҳар вояга етмаганларни қабул қилиш-тақсимлаш муассасасига мурожаат қилишларини сўраймиз.**

*ЖИЗЗАХ ВИЛОЯТИ ИИБ ФАОЛИЯТИДАН*

# ОСОЙИШТАЛИК — ИСЛОҲОТЛАР МУВАФФАҚИЯТИ

Мустақил мамлакатимизда амалга оширилаётган барча ислоҳотлар инсон манфаатлари, унинг турмуш фаровонлигини оширишга қаратилган. Шундай экан, ҳар қандай ислоҳотнинг муваффақияти мамлакат тинчлиги ва осойишталигига боғлиқдир. Тинчлик ва осойишталикни сақлаш эса ички ишлар ходимларининг зиммасига катта масъулият юклайди.

Ходимларимиз ана шундай масъулият билан ўз олдиларидаги вазифаларни бажаришда бутун куч ва имкониятларини тўлиқ ишга солган ҳолда хизмат қилишмоқда. Вилоят ҳудудида жиноятчиликка қарши кураш, унинг олдини олиш ва жамоат тартибини сақлаш юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. «Тозалаш», «Арсенал», «Тун», «Қорадори», «Диққат, ўсмир» каби тадбирлар ўз самарасини бермоқда. Натижада жиноят-қидирув соҳасидаги жиноятлар ўтган йилга нисбатан 2,34 фоизга камайди. Шунингдек, қотиллик, номусга тегиш, талончилик, ўзгалар мулкини ўғирлаш, товламачилик, безорилик, йўл-транспорт ҳодисаларининг бирмунча камайишига эришилди. Жиноий гуруҳларни фош қилишга қаратилган махсус тадбирлар ўтказилмоқда. Йил бошидан буён 74 та жиноий гуруҳ фош этилди, улар томонидан содир этилган 84 та жиноят исботланди. Улардан ўқотар қуроллар, гиёҳванд моддалар тортиб олинди.

Ҳар қандай жиноят учун қонуний жавобгарликни таъминлаш аҳамияти жуда катта. Очилмай қолган жиноят томир отиб кетаверади. Шу сабабли илгари содир этилиб, очилмай келаётган жиноятларни очишга, жиноий жавобгарликдан қочиб юрган шахсларни ушлашга жиддий эътибор қаратганмиз. Ўтган йиллар содир этилган 22 та жиноятни очишга муваффақ бўлдик.

Бозор иқтисодиёти шароитида порахўр, товламачи, давлат мулкини ўзлаштирувчи, валютафуруш каби нопок кимсалар жамиятимиз ривожланишига зиён етказмоқда. Бундай кимсаларнинг танобини тортиб қўйиш бўйича ҳам кескин чоралар кўриляпти. 232 та ана шундай турдаги жиноятлар фош қилинди.

Бу йил — оила йили. Оила эса жамиятимиз асоси, муқаддас бир гўша. Унда тарбияланаётган фарзанд эртага юртимиз келажагини белгилайди, унинг истиқболини яратади ва давом эттиради. Шу боис, оила ва турмуш доирасидаги ва вояга етмаганлар ўртасидаги ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш борасида жойлардаги участка вакилларига ҳамда вояга етмаганлар билан ишловчи инспекторларга алоҳида вазифалар юклатилган. Бу ишларда маҳалланинг, оқсоқолларнинг ўрни ҳам салмоқли бўлмоғи керак.

Қишлоқ хўжалигининг ривожи юрт ободлиги, эл маъмурчилигини таъминлайди. Вилоятимиз аҳолисининг аксарият қисми деҳқончилик ва чорвачилик билан шуғулланади. Агарда бу соҳада кутилган натижаларга эришсак, халқ хўжалиги мустаҳкамланади, қўшимча иш жойлари ташкил топади. Бу эса ўз навбатида вилоятдаги тезкор вазиятнинг янада барқарорлашувига олиб келади. Афсуски, ўзларининг ғайриқонуний манфаатларини ўйлаган кимсалар бундай фикрлардан йироқ. Қишлоқ хўжалигида рўй бераётган қонунбузарликларга ҳам худди ана шундай шахслар сабаб бўлмоқда.

Пахтакор тумани «Навбаҳор» ширкатлар бирлашмаси техник муҳандиси Д. Каримов 10 тонна селитрани Ж. Раҳматов ва Н. Бегмановларга 17 минг сўмга сотиб юборади. Улар эса бу минерал ўғитни янада қимматроқ нархда сотиш мақсадида «КаМАЗ» автомашинасида олиб кетишаётганда ушланди.

Зарбдор тумани «Зарафшон» ижара-ширкатлар хўжалиги бўлим бошлиғи Р. Тўйчиев, Ў. Уроқовга ноқонуний равишда деҳқончилик учун 4 гектар ер ўлчаб бериб, бунинг эвазига 100 минг сўм пора олаётганда қўлга олинди.

Айни кунларда ходимларимиз бу йилги ғалла ўрим-йиғимига тайёргарлик кўришмоқда. Ички ишлар ходимлари ўз кўмакларини аямайди. Ниятимиз холис — юртимиз тинч, ҳосилимиз баракали бўлсин.

Шуни ишонч билан айта оламанки, вилоят ички ишлар идоралари ходимлари ҳуқуқ-тартиботни мустаҳкамлашда, жиноятчиликка қарши курашда ва унинг олдини олишда олдиларига қўйилган вазифаларни бажаришга астойдил ҳаракат қиладилар.

**Ў. ХАНЖАРОВ,**
**вилоят ИИБ бошлиғининг биринчи муовини, милиция подполковниги.**

*Фахрийлар — фахримиз*

# ДИЙДОРДАН АЙИРМАСИН

Майнинг иккинчи куни Жиззах тоғлари этагида жойлашган вилоят ИИБга қарашли масканда 350 дан зиёд фахрийлар шарафига зиёфат берилди. Узоқ йиллар кўришмаган ҳамкасблар билан дийдор кўришдик. Ўтганларни эслаб, хотирасини ёд этдик.

Шундай дамларда сенга бўлган эътиборни ҳис қиласан-у, умринг бекор ўтмаганига шукроналар келтирасан. Тўғриси, одам кексайгандан кейин бир оз иззатталаб бўлиб қолар экан. Сени йўқлаб келишса, байрамлар билан табриклашса, кўнглинг тоғдек кўтарилади. Вилоят ИИБ раҳбариятининг фахрийларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаётганлиги жуда қувонарлидир. Ўтган йилдан бошлаб фахрийларимиз бошқарма томонидан тарихий жойларга саёҳатга юборила бошланди. Айниқса, бир гуруҳ фахрийларимиз билан Тошкент шаҳрига саёҳатга борганимизда Темурийлар тарихи, Олимпия музейи ва Тошкентнинг диққатга сазовор жойларини зиёрат қилиб, мустақиллигимиз туфайли амалга оширилган бунёдкорлик ишларини кўриб шу кунларга етганимизга шукроналар айтдик ва бир олам таассуротлар билан қайтдик. Шундан сўнг бир гуруҳ фахрийларимиз Бухоро шаҳрига саёҳатга бордилар.

Фахрийларимиз ўз навбатида вилоятда осойишталик ва барқарорликни таъминлашда ички ишлар ходимларига яқиндан ёрдам бериб, ёш милиция ходимларини тарбиялашда, бурчга садоқатли ва касбларининг фидойилари бўлиб етишишларида ўз ҳаётий тажрибалари, йўл-йўриқ ва насиҳатлари билан мададкор бўлмоқдалар.

**Ж. ТУРДИМУРОДОВ,**
**истеъфодаги милиция подполковниги.**

*Ҳамкорлик самараси*

# РОССИЯЛИКЛАР МИННАТДОР

Жиноят чегара билмайди. У қаерда содир бўлмасин ўзининг мудҳиш изини қолдиради. Шу боис ҳам мустақил Ҳамдўстлик давлатлари ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари жиноятчиликка қарши курашда, содир этилган жиноятларни фош этишда ва хавфли жиноятчиларни қўлга олишда яқиндан ҳамкорлик қилиб келишмоқда.

Ўтган йилнинг 25 декабрь куни Россиянинг Олтой ўлкаси Бийск шаҳар ички ишлар бўлими катта терговчиси, милиция майори Галина Майорова ва унинг қизи ваҳшийларча ўлдириб кетилган эди. Тезкор гуруҳ ходимлари зудлик билан жиноятни фош қилиш ва қотилни аниқлаб ушлаш чораларини кўришади. Афсуски, бу пайтда қотил Россия ҳудудидан чиқиб кетишга улгурган эди.

Бир қанча вақт ўтгач, Жиззах вилояти ички ишлар бошқармаси федерал қидирувда бўлган Россия фуқароси, 24 ёшли Константин Ларин тўғрисида маълумот олди. Шу асосда жиноят-қидирув ходимлари томонидан тезкор тадбир ишлаб чиқилиб, жиноятчини ушлаш чоралари кўрилди. У Жиззах шаҳридаги уйларнинг бирида қўлга олинди. Шундан сўнг Олтой ўлкаси ҳуқуқ-тартибот идораларининг бир гуруҳ ходимлари Жиззахга етиб келишди. Тергов жараёнида Ларин ўзининг разил қилмишини очиқ-ойдин айтиб берди:

— Мен улар билан яқиндан таниш эдим. Ўзаро жанжал чиқиб қолди. Шунда Мария Майоровани бир неча марта бошига болга билан урдим. Галина чопиб келиб менга тирмашган эди, уни куч билан итариб юбордим, сўнг печка ёнидаги болта билан унинг бошига урдим. Кейин ошхонада турган пичоқни олиб чиқиб бўғзига тортдим ва чойшабга ўрадим. Кейин уларни бирин-кетин ертўлага улоқтирдим.

Бундан ташқари воқеа жойидан марҳумларга тегишли бўлган кийим-кечак, қимматбаҳо буюмлар ва анчагина миқдордаги пулни олиб кетганлигини ҳам гапириб берди.

Қотилнинг гапи, уни совуққонлик билан сўзлаб берган ҳикояси ҳар қандай кишини ларзага солади, унга нисбатан нафрат уйғотади.

— Биз Жиззах вилояти Ички ишлар бошқармасидан Лариннинг қўлга олинганлиги ҳақида хабар олдик, — дейди Олтой ўлкаси прокуратурасининг масъул ходими Игорь Хомутов. — Бу ерга келганимиздан кейин дастлабки тергов ишларимиз муваффақиятли ўтди. Шуни таъкидлашим кераки, жиноят-қидирув ходимлари бизга катта ёрдам беришди. Олтой ўлкаси Ички ишлар бошқармасининг буйруғи билан милиция полковниги Музрабжон Жабборов, милиция майори Илҳом Ҳазратқулов ва милиция капитани Урол Шергозиевлар номлари битилган қўл соатлари билан тақдирланишди.

*СУРАТЛИ АХБОРОТ*



**Фориш туманидаги М. Оролов номли ширкатлар уюшмасида Болғали, Ойтамғали, Шохусмон, Каттасой, Кўса, Ҳасанота, Жўшам каби ўнлаб ажойиб қишлоқлар бор. Бу ҳудуднинг бир чеккасидан нариги чеккасига бориш учун 60 чақирим юриш керак. Мана 14 йилдирки бу ерда милиция майори Ҳамдамхон Норхўжаев участка вакили бўлиб хизмат қилади. Ҳалол меҳнати, ажойиб фазилатлари билан қишлоқ аҳлининг ҳурмат-эътиборини қозонди. У ўз участкасидаги вазиятнинг пасту баландини жуда яхши билади. Хизмат хонаси туман марказидан анча узоқ. Шунинг учун у бирон бир жиноят содир бўлса вақтни ўтказмай бирратўла жиноятни фош қилиб, сўнгра марказга ошиқади. Маҳалладаги ёши улуғлар билан ҳамиша бамаслаҳат ишлайди.**

**СУРАТДА: (чапдан) вояга етмаганлар билан ишлаш инспектори С. Холматов, маҳалла оқсоқоли Ш. Қозоқов, участка вакили, милиция майори Ҳ. Норхўжаев, маҳалла фаоли М. Назарқосимовлар ўзаро суҳбатда.**

# ЭҲ, ПАТТАЧИЛАР, ПАТТАЧИЛАР...

Жиззах шаҳридаги «Эски шаҳар» деҳқон бозорининг раиси Р. Фармоновнинг айтишича, ҳар куни бозор хазинасига патта пулининг ўзидан ўртача 130-140 минг сўм тушум бўлар экан. Бозор давлатнинг ҳам, фуқароларнинг ҳам ўзига хос даромад манбаи. Буни, айниқса, бозорда «самарадорлик» билан ишлаётган айрим паттачилар жуда яхши билишади. Маълум бўлишича, бу «тадбиркорлар» имкони бор, олиб қол қабилида иш тутиб, билганларича найранг қилишаётган экан. Бозорнинг қорамоллар олди-сотти бўлимида жиноят устида қўлга олинган икки нафар паттачининг кирдикорлари ана шундай хулосага келишимизга сабаб бўлди. Анча вақтдан буён бозорда паттачилик «илмини» сувдай ичиб олган О. Абдукаримов бозор хазинасидан 50370 сўмлик патта олган. Бозор куни эса мол сотиш учун келган фуқароларга 23993 сўмлик патта тарқатиб, пул йиғади. 13823 сўм пулни эса патта йиртмасдан чўнтакка уради.

Яқиндагина ишни бошлаган Б. Сатторов бу «тадбиркорлик»ни тезда ўрганиб олди. У ҳам хазинадан олган 59600 сўмлик паттадан борй-йўғи 17920 сўм патта йиртиб тарқатди, холос. Устоздан қолмайин, деб 13 минг сўмга яқин пулни «ютиб» юборди. Яхшиямки, уларнинг жиноий ишларига ўз вақтида чек қўйилди. Йўқса, мана шундай «маҳорат» билан бир йил фаолият кўрсатишганда бормиди? Ўҳ-ҳу, ўзингиз чўтга ташлаб кўраверинг, давлатга қанча фойда-ю, қанча зиён. Паттачилар эса сонмингта. Ишқилиб, уларга инсоф берсин.

*«Қорадори—98»*

# ҚАНЧАЛИК ҚУВ БЎЛИШМАСИН

Бугунги кунда гиёҳвандликнинг дунё бўйлаб кенг тарқалиши жаҳон жамоатчилигини чуқур ташвишга солмоқда, давлат тузумларига, аҳолининг, келажак авлоднинг соғлиғига жиддий хавф туғдирмоқда. Шунинг учун ҳам бу иллатни таг-томири билан қўпориб ташлаш учун жиддий кураш олиб борилаяпти.

Бу борада вилоят Ички ишлар идоралари ходимлари томонидан қатор тадбирлар амалга оширилмоқда. Айни кунларда «Қорадори—98» тадбири давом этяпти. Тадбир давомида гиёҳвандлик моддаларини сотиш, тарқатиш, сақлаш ва гиёҳванд моддали ўсимликларни ўстириш билан боғлиқ жиноятлар фош қилинмоқда. Йил бошидан буён 65 та гиёҳвандлик жинояти аниқланиб, бундай қора ишлар билан шуғулланиб келган 19 нафар шахс қўлга олинди. Улардан 6 килограммга яқин оғу мусодара қилинди. Яқинда Жиззах тумани ИИБ ходимлари томонидан гиёҳфурушлик қилиб, мўмай пул топмоқчи бўлган М. И. ва А. С. лар 1 килограммга яқин опий моддасини 250 минг сўмга пуллашаётганида қўлга олинди.

Жиззах шаҳар Иттифоқ маҳалласида яшовчи А. Акбашев ўз уйида бангихона очганлиги фош қилинди ва уйдан бир неча грамм опий, уни суюлтирадиган махсус мослама, бир марта ишлатиладиган шприцлар далилий ашё сифатида олинди.

Гиёҳвандликка қарши курашнинг ўзига хос масъулияти ва машаққатлари бор. Милиция катта лейтенанти Шерқул Расулов, милиция капитани Анвар Ўринбоев, милиция капитани Усмон Ўролов сингари кўплаб ходимларимиз гиёҳфурушликнинг ҳар қандай кўринишларига қарши самарали кураш олиб бораяптилар.

**А. ДАВРОНОВ,**
**вилоят ИИБ ЖҚБ бўлинма бошлиғи, милиция подполковниги.**

**Саҳифа материалларини вилоят ИИБ ходими, милиция лейтенанти Б. БЕГИМҚУЛОВ тайёрлади.**

# БЕВАҚТ НОВДАСИДАН УЗИЛМАСИН БАРГ

Оилангизда фарзанд туғилиши ҳаётингизда энг нурли ва фараҳли воқеа сифатида хотирангизда муҳрланиб қолади. Орадан неча ойлар, неча йиллар ўтса ҳамки, ўша кун шукуҳини унутолмайсиз. Ёнингизда ўтирган бўйига бўй қўшилган зурриёдингизга боқиб, беихтиёр унинг чақалоқлик пайтини эслайсиз. Оппоқ момиқ қўлчаларини типирчилатиб йиғлаётган бир парча эт — бегуноҳ вужуд кўз олдингизда намоён бўлади. У шу ёшга етгунча не-не кунларни кўрмадингиз. Салгина йўталиб қолса ёки иссиғи кўтарилса, юз бор куйиб, минг бор ёнганларингиз ёдингизга тушади.

Ҳа, фарзанд азиз. Дунёда инсон зоти борки, фарзандига фақат эзгулик йўлдош бўлишини истайди. Боламнинг товонига тикан ҳам кирмасин, дейди. Аммо тақдир баъзан бешафқат. Ҳар доим ҳам орзу-ниятларимиз рўёбга чиқавермайди.

Шу йилнинг ўтган тўрт ойи мобайнида республикамиз миқёсида болалар иштирокида 612 та йўл-транспорт ҳодисалари содир этилди.

Тўғри бу ўтган йилнинг шу давридаги кўрсаткичдан 75 та кам. Аммо барибир бундан кўнгил таскин топмайди. Ахир, ана шу фалокатлар оқибатида 77 нафар боланинг гул умри хазон бўлди, 154 нафар ота-онанинг фиғони кўкка ўрлади, 540 нафар болакай эса турли даражада тан жароҳати олиб, беморхона тўшагига михланди.

Азадор оталару мотамсаро оналар маъзур тутсинлар, камина бу ўринда энг аввало, уларнинг ўзларини бепарволикда айблашга журъат топдим. Айрим кишилар ҳовлида донлаб юрган товуқларни катакка қамашдан олдин бирма-бир санашни канда қилмайдилар, бирортаси кўринмаган тақдирда қидиришади, топилмагунча тинчишмайди. Аммо ўз пушти камарларидан бунёд бўлган фарзандларининг қаерда юришгани уларни хавотирга солмайди. Шахсан менинг фикримча, юқоридаги автофалокатларнинг рўй беришию бир қанча болаларнинг жабрланишига сабаб шу — бепарволик!

Мана бу воқеа шу йил 11 февраль куни Фарғона вилоятининг Охунбобоев туманида содир бўлди. Фарғона шаҳридаги автокорхона ҳайдовчиси Қосим Нишонов ўзига бириктирилган «ЗИЛ-130» русумли, 77 81 ФЕН рақамли автомашинасини Т. Каримов кўчасида бошқариб бораётганида, шу кўчадаги 46-уйда яшаган, 1994 йилда туғилган, катталар назоратидан четда қолган Зилола Содиқова машинага орқа томондан осилмоқчи бўлган. Натижада унинг вужуди ғилдираклар остида қолди.

Зомин туманидаги фалокат тафсилоти билан танишсангиз, кимни айблашни, кимга куйишни билмай қоласиз.

Автокорхона ҳайдовчиси Норқўзи Мамасолиев ўзига бириктирилган «КамАз-5511» русумли, 63 55 ДДЛ рақамли автомашинани Биродарлик кўчасидаги 14-уй олдида тўхтатди. Ўшанда у киши қалбини дарахт баргидек титратиб юборадиган фалокат юз беришини хаёлига ҳам келтирмаганди. 1997 йилда таваллуд топган, эндигина атак-чечак қадам ташлаётган Дилдора Донаева ўйнаб юриб, машина остига кириб қолганлигидан бехабар эди. Юмуши битгач, моторни ўт олдириб, атиги бир неча қадам юргиздию беадад даҳшатдан тонг қотди. Боланинг қип-қизил қонга беланган пажмурда гавдасию мурғак юраги мислсиз азобга дош беролмади. Касалхонага олиб кетилаётганда жон таслим қилди.

Содир этилган йўл-транспорт ҳодисалари таҳлили кўрсатадики, болалар билан боғлиқ автофалокатларнинг аксарият қисми уларнинг йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини яхши билмасликлари оқибатида келиб чиқади. Бу борада мисоллар бисёр.

Сирдарё вилоятининг Ховос туманида яшовчи Турдибек Қулбоев шахсий «ГАЗ-53» рақамли автомашинасини Мирзабобоев ширкат хўжалиги ҳудудида бошқариб бораётганди. Йўлни кесиб ўтаётган пиёда — 1991 йилда туғилган, 25-ўрта мактабнинг бошланғич тайёрлов гуруҳи ўқувчиси Шерзод Эргашевни уриб юборди. Жабрланувчи воқеа жойидаёқ ҳалок бўлди. Ўт-ўланлар билан қопланган мангу оромгоҳда яна бир кичиккина қабр дўппайиб қолди.

Хоразм вилоятининг Хива туманида 13 май куни рўй берган воқеа ҳам сизга бир жаҳон андуҳ ва изтироб бағишлаши турган гап. 210-ўрта мактаб ўқитувчиси, 1962 йилда туғилган Шокир Рўзметов ўзининг шахсий автомобилини Янгиариқ — Хива йўлининг бешинчи чақиримида бошқариб бораётганди. Йўлни кесиб ўтмоқчи бўлган қизалоқни кўриши билан қаттиқ тормоз босди. Аммо кечикди. 1990 йилда туғилган, ҳали ҳаётга келиб ҳеч нарсани кўрмаган Муаззам Полвонованинг умри шунчалар қисқа экан.

Бу ерда ҳам кимларнидир айблаш инсофдан бўлмас. Аммо сирасини айтганда, атиги бир неча йил яшагану сўнг марҳум номини олган ўша болаларга йўлларда ҳаракатланиш қоидаларидан чуқур сабоқ берилганида, эҳтимол юқорида айтилган мусибатлар чекинармиди...

Кузатишлардан маълумки, республиканинг барча вилоятларида болалар билан боғлиқ йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш юзасидан астойдил ҳаракат қилиняпти, дея олмаймиз. Айрим мактабларда йўлларда ҳаракатланиш қоидаларини ўргатишга панжа орасидан қаралмоқда.

Мисол учун Андижон вилоятининг Бўз туманидаги 22-ўрта мактабни олайлик. Бу ерда 820 нафар ўқувчи бўлиб, улар 13 та синфга бўлинишган. Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари бўйича 17 соатлик дастур атиги бешинчи, олтинчи ва саккизинчи синфларда амалга ошириляпти. Лекин «амалга ошириляпти» деган сўзларга «бутун чоралар билан» деган иборани татбиқ этолмаймиз. Синф журналини варақлаб чиққанимизда, болаларнинг олган билим ва кўникмаларини баҳолаб бориш, уларнинг машғулотга қатнашишларини ҳар сафар белгилаш ишлари мутлақо юритилмаётганлиги маълум бўлди.

Худди шунга ўхшаш манзарани Бухоро вилоятининг Пешку туманидаги 4-ўрта мактабда ҳам учратиш мумкин. Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари дарслари фақатгина бошланғич синфларда йўлга қўйилган. Юқори синф ўқувчилари эса бундай сабоқлардан буткул бебаҳра қолмоқдалар. Директор Чори Латипованинг айтишича, мутахассис-ўқитувчилар етишмас эмиш.

Энг ачинарлиси шундаки, илм маскани серқатнов йўлнинг шундоқ ёқасида жойлашган бўлса-да, ёш автоназоратчилар гуруҳлари ва уларнинг навбатчиликлари ташкил этилмаган. Бу эса мактаб раҳбарияти ва педагогик жамоаси имконият эмас, баҳона қидиради, деган даъвони илгари суришимиз учун етарли асосдир.

Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ туманидаги 8-ўрта мактабда ҳам кишини ранжитадиган аҳвол мавжуд. Мактаб директори З. Абдураҳматов билан бирга 6-«а» синфга кириб, болалар билан мулоқот уюштирдик. Бола-болада, бўямасдан-безамасдан ҳақиқатни айтишди-қўйишди: жорий ўқув йилида йўлларда ҳаракатланиш қоидалари бўйича бирор марта ҳам дарс ўтилмаган!

Худди шунингдек, Муборак шаҳридаги Абдулла Қаҳҳор номли 2-ўрта мактабдан олган таассуротларимиз ҳам дилга ғашлик солади.

Шу ўринда халқ таълими тизими мутасаддиларига қарата қатъий фикримизни билдиришимиз шарт. Йўлларда ҳаракатланиш қоидалари бўйича 17 соатлик дастур ижроси энг зарур вазифа. Унинг аҳамияти бошқа фанлар аҳамиятидан ортиқ бўлса ортиқки, кам эмас. Ахир бу сабоқлардан кўзланган мақсад умримиз таянчи бўлмиш болаларимиз хавфсизлигини ҳимоя қилишга қаратилган. Бу борада бепарволик қилишга ёки масъулиятсизликка йўл қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

Ўқув йили тугади. Ёзги таътил бошланди. Шўх-шаддод болалар ёзги оромгоҳларга йўл олишяпти. Бу эса ота-оналар ва оромгоҳлардаги тарбиячилар зиммасидаги масъулият залворини янада оширади. Оромгоҳларда фақатгина уларнинг яхши ҳордиқ чиқаришлари ҳақидагина эмас, балки уларнинг хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида ҳам қайғурмоқ лозим. Токи улар йўлларда ҳаракатланиш қоидалари бўйича олган билим ва кўникмаларини оромгоҳларда янада мустаҳкамласинлар. Бу эса орзу-умидларимиз рамзи бўлмиш фарзандларимиз тан-сиҳатлигию хонадонларимиздаги хотиржамликнинг муҳофаза қилишнинг муҳим шартидир.

**Раҳмонали ҚОСИМОВ,**
**ИИВ ДАНББ катта инспектори, милиция майори.**

# INTERNET XABARLARI

## ШИРИНЛИК «ИШҚИБОЗЛАРИ»

Тунда Воткин шоҳкўчасидаги 12-уй олдида ГАЗ-53 русумли автомобиль турар, икки киши унинг юкхонасидан бемалол қопларни туширишар эди. Хаш-паш дегунча 15 та қопни ўмариб, кўздан ғойиб бўлишди. Ҳеч нарсадан хабари йўқ машина эгаси эрталаб қараса, 750 кг шакар ўғирланган. У дарҳол милицияга хабар берди. Ширинлик «ишқибозлари» икки кун ўтгач Индустриал тумани ИИБ жиноят-қидирув бўлими ходимлари томонидан қўлга тушишди. Уларнинг иккиси ҳам 34 ёшда, илгари судланган эдилар. Бу ўхшашликларга яна биттаси қўшиладиганга ўхшайди. Зеро, талончиларнинг иккови ҳам жиноят кодексининг бир моддаси билан, бир хил муддатга қамалса ажаб эмас.

## «ЕТИМ»НИНГ ҚОТИЛЛАРИ

**1996 йил февраль ойида куппа-кундузи «Етим» лақаби билан машҳур бўлган криминал авторитет Игорь Матвиенкога суиқасд уюштирилган эди. Ўшанда уч қуролланган босқинчи «Етим» ва унинг соқчилари тушган «Нива» ҳамда ВАЗ-2109 русумли автомобилларни ўққа тутишганди.**

**Ушбу жиноий иш бўйича олиб борилаётган тергов ниҳоясига етди. Олти нафар шахс қуролланган гуруҳни уюштириш ва жиноят содир қилиш, хусусан криминал авторитетни ўлдиришда айбланмоқда. Яқин кунларда жиноий иш Украина Республикаси Олий судида кўриб чиқилади.**

## КАРАМНИ ДЕБ ЎҚ ЕДИ

Яна бир фавқулодда ҳодиса Черноголовка қишлоғида рўй берди. Ўттиз ёшли фуқаро етиштирилган маҳсулотни ўғрилардан сақлаб қоламан деб кўкрагидан ўқ еди. Воқеа қуйидагича содир бўлди. Жабрланувчи онасиникига картошка кавлашга ёрдам бериш учун келади. Кундузи ишлаб, кечаси тасодифан томорқага чиқади ва... икки ўғри карамларни зўр бериб қирқаётганини кўриб қолади. Яқин ўртада турган айрини қўлига олиб, улар билан гаплашиб қўймоқчи бўлади. Аммо ўғрилар олдига етиб бормасдан кутилмаганда ўқ узилади. Ҳозирда Ногин шаҳри касалхонасида шифокорлар унинг ҳаётини сақлаб қолишга ҳаракат қилишаяпти.

## СИНОВЧИ ТАЛОНЧИЛАР УШЛАНДИ

**Икки ўсмир газ баллончалари билан қуролланиб, кўзланган мақсадларини амалга ошириш учун кўчага чиқишди. Улар баллончалардаги газ одамга қандай таъсир этишини яқин ўртада ўтиб кетаётган аёлда синаб кўрдилар. Йўловчи акса уриб, кўз ёшларини артгунча ичига 250 рубль солинган сумкани олиб қочишди. Аммо воқеа жойида ҳозир бўлган Устинов тумани ИИБ қўриқлаш хизмати ходимлари талончиларни қўлга олдилар.**

## КЎМИРЧИЛАР ШАҲРИДА ҚУРОЛЛИ ҲУЖУМ

Донецк вилоятининг Шахтёр шаҳрида қуролли ҳужум натижасида «Медита-Украина» акциядорлик жамияти президенти А. Опришченко ва унинг соқчилари ўлдирилди. Яна икки киши яраланди. Юзига ниқоб кийган тўрт номаълум шахс президентнинг хонадонидан иккита автомобилда келаётган А. Опришченко, унинг соқчилари ва хизматчиларига қарата ўқ узишди. Шундан сўнг уларни кутиб турган автомобилга ўтириб, кўздан ғойиб бўлдилар.

Ушбу воқеа бўйича шаҳар прокуратураси томонидан жиноий иш қўзғатилди. Қотилликнинг сабаби фирманинг молиявий хўжалик фаолияти ёки шахсий адоват билан боғлиқ бўлиши мумкин, деган тахминлар бор.

## ҚАРИГАН ЧОҒИДА ҒИШТ ЎМАРДИ

**Авдотьино қишлоғида яшовчи фуқаро С. га дала ҳовлилардан бирига тахлаб қўйилган ғиштлар тинчлик бермай қўйди. 68 ёшни қаршилаган қария тунлари бедор бу ғиштларни ҳужрасига ташиб олди. Аммо қувончи узоққа чўзилмади. Ёш тезкор вакил Ю. Кирин ўғрини ушлаб, милиция бўлимасига олиб келди.**

